



# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 225 (10.028)

2003 ЙИЛ 19 НОЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир Кучи*  
Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА

● **ЎЗБЕКИСТОН** Қизил Ярим Ой жамиятида йил давомида қилинган ишлар ва келгуси режалар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди. Ушбу тadbирда беморларга, ногиронларга, кам таъминланган oilаларга моддий, ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш чоралари ҳақида сўз борди.

● **ИБН** Сино номли халқаро жамғарма ташаббуси билан Ибн Сино ҳаёти ва унинг илмий меросини ўрганиш масаласига бағишлаб уюштирилган давра суҳбатига пойтахт жамоатчилиги билан бирга дипломатик корпус вакиллари ҳам иштирок этишди.

● **БУГУН** Миллий матбуот марказида афгон-ўзбек киноусталари томонидан ҳамкорликда яратилган «Булутлар» фильмига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Фильмда Афғонистонда толибонлар ҳукмронлик қилган даврда афгон халқи бошига тушган кулфатлар ва ушбу даврда туғилган бир муҳаббат тарихи ҳақида ҳикоя қилинади.

● **ТОШКЕНТ** Ислom университетиде уюштирилган олий ўқув юртлири проректорлари иштирокидаги семинар-йиғилишда маънавий, маърифий йўналишдаги фанларни талабаларга пухта ўргатиш хусусида сўз борди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси қошидаги Замоनावий ахборот технологиялари илмий маркази олимлари ташаббуси билан генлар, хужайралар фаолиятини ўрганишда математиканинг аҳамиятини оширишга бағишланган илмий ишлар Дастурини тайёрлашга киришилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

05УНА — 2004

## «ОҚШОМ» БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

Қадрли газетхонлар! Айни кунларда сиз ҳамиша севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшоми» газетасига 2004 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Бинобарин, у сизга ҳар доим энг яқин суҳбатдош, дўст, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлиб келган. Буни шу кунларда тахририятга келаётган дил номаларидан ҳам билиш мумкин. Газетага бўлган юксак меҳрингиз, садоқатингиз учун сизларга катта ташаккуримизни билдирган ҳолда шу кунлар-

БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) буюртмасига кўра, Марказий ва Шарқий Европада ҳамда МДХ мамлакатларида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги тадқиқ этилди.

## ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА БОШ ВАЗИФА

ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Ўзбекистонда аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар натижасида болалар, ёшлар, oilа, оналар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган махсус дастурлар ижросининг таъминланаётганлиги туфайли аҳолининг нисбатан ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича ижобий кўрсаткичларга эришилмоқда.

Хусусан, юртимизда тиббиёт тизимидаги ислохотлар самараси ўлароқ гўдаклар ўлими кескин камайди. Илгари ҳар 1000 нафар чақалоқдан 38,1 нафари нобуд бўлган бўлса, бу кўрсаткич истиқбол йилларида 18,3 нафаргача тушди. Бу Марказий Осиёда энг яхши кўрсаткичдир. Оналар ўртасида ҳам ўлимнинг кескин камайиши кузатилмоқда, яъни илгари

ҳар 100 минг ҳомиладор аёлдан 42,8 нафари туғиш жараёнида ҳаётдан кўз юмган бўлса, бу кўрсаткич мустақиллик йилларида 33,5 нафаргача камайди. Муқояса учун — ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 50, Қирғизистонда 43,8, Тожикистонда 45,4 нафарни ташкил этади.

Мамлакатимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган кўплаб шифо масканлари бунёд этилиши, уларни замонавий тиббий асбоб-анжомлар билан жиҳозлаш, соҳа ходимларининг малака ва маҳоратини юксалтиришга қаратилган эътибор бундай ютуқларга эришишда муҳим омил бўлаётди.

Ана шундай йирик шифо масканларидан бири Республика Перинатал маркази иш бошлаганига бир йил тўлди. Утган вақт мобайнида бу ерда икки минг нафардан зиёд чақалоқ дунёга келди.

Хукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган «Соғлом авлод», «Она ва бола» давлат дастурларида белгиланган вазифалар ҳаётга изчил татибқ этилиши туфайли барпо этилган мазкур марказ мустаҳкам моддий-техник база ва юқори илмий салоҳиятга эга.

Нафақат республикаимиз, балки Марказий Осиёда янгона ҳисобланган ушбу тиббиёт муассасаси 125 ўринга мўлжалланган. У уч миллион АҚШ доллари миқдоридеги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар ўзининг амалий самарасини бераётгани туфайлидир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
ЎЗА мухбири

### Олий Мажлисида

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида судга мурожаат этиш имкониятларини янада кенгайтириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбир парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Европа Иттифоқи Комиссияси ЕвропаЭйд дастурининг

«Ўзбекистондаги демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида уюштирилди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, суд, прокуратура органлари, олий ўқув юртлири ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан-

лар Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислоҳоти хусусида, судга мурожаат этиш имкониятларини янада такомиллаштиришга оид мулоҳазаларини баён қилди. Бу бордада мамлакатимизда ва ривожланган давлатларда ортирилган тажрибалар хусусида сўз юритилди.

Анжуманда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва судга мурожаат этиш имкониятларини кенгайтириш юзасидан тасвиялар ишлаб чиқилди.

## МАҲАЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР ЯРМАРКАСИ

«Ўзқўргазмасавдо»да Республика озик-овқат товарлари улгуржи савдо ярмаркаси очилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан иқтисодийetni эркинлаштириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Эндиликда сифатли маҳсулотлар билан нафақат ички бозор таъминланмоқда, балки улар хорижга ҳам кенг экспорт қилинмоқда.

Ярмаркадан «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Озикоқватсаноат», «Ёғмоитамакисаноат», «Ўзгўшсутсаноат» уюшмалари ва «Ўзмева-

сабзавотузумсаноат-холдинг», «Ўзбексавдо», ва «Ўзбекбирлашув» каби компаниялар тасарруфидеги корхоналар ҳамда республикаимизда фаолият кўрсатаётган 250 дан зиёд бошқа корхона ва хусусий тадбиркорлар томонидан тайёрланган қарийб 570 миллиард сўмлик маҳсулот кенг ўрин олган.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.

ЎЗА

**XVI саҳоси**  
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Япония молия вазирлигининг Сиёсий тадқиқотлар институти вице-президенти Шигео Кашиваги раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда бўлди.

● Кеча республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Ўзбекистон миллий байроғининг 12 йиллик тўйига бағишлаб «Давлатимиз рамзлари — фахримиз, гуруримиз» мавзусида тадбир ўтказилди.

● Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «FoodExpo Uzbekistan-2003», «AgroFood Mach-2003», «Ехрo Pаск-2003», «СonsumerExpo-2003» 8-халқаро кўргазмаси очилди. Унда жаҳоннинг саккиз мамлакатидан 39 та компания иштирок этмоқда.

● Самарқанд вилоятида қишлоқ ҳўжалигида ислохотларнинг бориши ва кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Кеча республика тасвирий ва амалий санъат лицейида япон-ўзбек болалар ҳамкорлиги ижодига бағишланган кўргазма ўтказилди.

● Республика Киночилов уйида «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси ва Швейцария тараққиёт бюросининг «Қайта тикланган суҳбатлар» лойиҳаси доирасида Марказий Осиё давлатлари хужжатли киноусталари томонидан сўнгги йилларда яратилган энг сара фильмлар намойиш этилди.

**Жаҳонда**

● Сербияда бир йилдан ошироқ муддат ичида учинчи бор президент сайловлари бўлиб ўтди. Бироқ аввалгилари каби учинчи сайлов ҳам муваффақиятсиз якунланди.

● Молдова парламентидеги барча учта фракцияларнинг етакчилари Европа парламентида републиканинг Европа Иттифоқининг ассоциациялашган аъзолари сафига қўшилиши сўраб мурожаатнома қабул қилишди.

● Францияда Queen Mary II номли жаҳондаги энг улкан океан кемаси бунёд этилди. Ҳозирда янги асрининг «Титаниги» номини олган, тўртта футбол майдонига тенг узунликдаги мазкур кема охириги синовлардан ўтказилмоқда.

● Янги Зеландиянинг Окленд шаҳрида илк бор ўзбек кураши бўйича Океания чемпионати бўлиб ўтди. Унда Океаниянинг 10 дан ортиқ давлатидан келган полвонлар ўз кучини намойиш этишди.

да пойтахтимизнинг барча алоқа бўлимларидан газетига обуна расмийлаштирилаётганини яна бир қарра эслатиб ўтишни лозим деб топдик.

«Тошкент оқшоми» келгуси йилда ҳам мамлакатимизда, унинг азим пойтахтида ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, янгиликларни тезкорлик билан ёритади, сиз севиб ўқийдиган ранг-баранг мавзудаги мақолалар газета саҳифаларидан мунтазам ўрин олади, деб ишонтирамиз. Шундай экан, вақтни ғанимат билиб сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошилинг. Шундагина сизнинг нурули хонадонингизга 2004 йилнинг дастлабки кунидан бошлаб «Оқшом»нинг ўзи ташриф буюради.

**Ишмосоқийъ**

**ЗАМОНАВИЙ  
ЛИБОСЛАР**

Хар қандай либоснинг кинматбахоси эмас, балки ярашиқлиси инсон кўркини очиб, кайфиятини ҳам кўтариши табиий.

Бу борада пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Азиза Сайфи қизи» хусусий фирмаси чеварларнинг изланишлари ҳам эътиборга лойиқдир. 70 нафардан зиёд чевар меҳнат қилаётган ушбу жамоада нафақат миждошлар талаби қондирилади, балки бозор талаблари асосидаги харидордир кийим-кечаклар тегилиб, ички бозорни таъминлашга ҳам ҳаракат қилинмоқда.

— Жорий йилда ўтган йилгига нисбатан кўпроқ, яъни 16 миллион сўмлик хизмат курсатишга бел боғлаганимиз, — дейди корхона раҳбари Азиза Гуломова. — Асосий мақсадимиз миждошларимизга намунали хизматни ташкил этиб, уларнинг сафини кенгайтириш баробарида харидор диди ва эҳтиёжига мос аёллар ва эркеклар, болалар кийим-кечакларини ишлаб чиқаришди. Албатта, ўзимизда тайёрланган бундай маҳсулотларимиз чет элликдан асло қолишмаслигига, рақобатбардошлигига эътибор қаратамиз. Бунинг учун корхонамизда замонавий дастгоҳлар, уста мутахассисларимиз ҳам етарли, уларнинг изланишлари асосида замонавий ва шарқона кийим-кечакларимиз харидорлар эътиборини қозонмоқда.

Корхона чеварлари жорий йилда Тошкент метрополитени ишчи-хизматчилари учун 1000 тадан зиёд иш кийимларига буюртма олиб, уни ўз вақтида ва сифатли бажариб беришди.

**ТУРЛИ ХАЖМДА  
ВА МУСТАҲКАМ**

Турли муҳим ҳужжатлар ва керакли маблағингизни беҳавотир сақлашда металл кутӣ (сейф)ларнинг ўзига хос ўрни бор, албатта.

Ана шундай турли ҳажмдаги ва мустаҳкам, кўриниши бежирим ва чиройли металл сейфларни шахримиздаги «SONITA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси тadbиркорлари тайёрлашмоқда.

Хозирда 10 хилдан зиёд ана шундай маҳсулотларни харидорларга етказиб бераётган фирма ишчи-хизматчилари бу ишда Жанубий Кореядан келтирилган унумли замонавий дастгоҳлардан фойдаланмоқда.

Шунингдек, хусусий фирма тadbиркорлари бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини талабларга қараб кўнайитиришга ҳаракат қилишмоқда. Шу асосда темирдан ром ва эшиклар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди. Келгусида эса ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, рақобатбардош маҳсулотларни кўрши давлатларга чиқариш режаси ҳам кўзда тутилган.

Дилноза ФИЁСОВА

**ДЕМОКРАТИЯ МАҚМАБИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганидан сўнг маҳаллада яшаб келаётган ҳар бир кишининг диққати яна бир бор маҳаллада олиб борилаётган ишларга қаратилди. Бундан 2,5 йил аввал бўлиб ўтган сайловда саралаб олинган номзодлар қай даражада ўзини оқлади? Халқ ишониб сайлаган барча оқсоқол ва маслаҳатчилар ўз ишларининг урдасидан қай даражада чиқдилар? Мана бугун улар эл олдига ҳисоб бермоқдалар. Кимнингдир юзи ёруғ, кимдир ишонч йўқотган, кимдир одамларни менсимай, назардан қолган. Хуллас сараги-сарақка, пучаги-пучакка ажрамоқда. Биз кенг жамоатчилик, маҳалладошлар фаоллиги остида ўтаётган сайловларда қатнашиб, ўзига тегишли хулосалар олаётган ҳамшаҳарларимизнинг фикр-ўйларини қозоғга туширдик.

**МАҲАЛЛАНГ — ОТА - ОНАНГ**

**Махбуба РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
олий тоифали ўқитувчи, биология  
фанлари номзоди:**

— Кунни кеча Хувайдо маҳалламизда бўлиб ўтган сайлов мени чуқур ўйга толдириди. Сайловда иштирок этган ҳар бир маҳалладошимизнинг ўз фикри, сўзи бўлди. Қилинган ишлар сарҳисоби буйича эришилган ютуқлардан қанчалик гурурланиб гапирилган бўлса, камчиликлар ҳам аяб ўтирилмай рўй-роост айтиб ўтилди. Демак, халқимиз ўзининг ҳақ-хуқуқи, имкон ва имтиёзлари ҳақида жуда яхши билимга эга, оқсоқолдан ҳам шунга яраша талаб бўлмоқда. Маҳалла оқсоқоли менинг фикримча ҳақиқий фидойи инсон, халқ дардини тушунадиган ва унга суянчиқ бўла оладиган, тadbиркор, ташкилотчи, ғамхўр, меҳрибон, айна вақтда талабчан, қаттиққўл, кишиларга тўғри йўл кўрсатиб ўз ортидан эргаштира оладиган раҳбар бўлмоғи керак. Ахир бежизга «Маҳалланг — ота-онанг» деб айтилмаган.

**Максуд КАРИМОВ,  
Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари:**

— Мен иш жараёнида кўплаб маҳаллалар фаолияти билан танишман. Кузатишларим натижасида шунга амин бўлдимки, оқсоқол аввало одобли, ахлоқли, камтар, ўз вазифасининг масъулиятини сезадиган, ҳар бир муржоат қилган фуқаронинг дардини тушунадиган, уни сабр-тоқат билан эшита оладиган, ўзининг ширин забони билан кўнгли хаста инсонга мадад бера оладиган бўлиши керак. Шундай маҳалла оқсо-

қолларини ҳам кўрдикки, ҳеч кимни менсимай калондимоғлик билан ўзини тутати, мажлисларда бошқа гап айтиб, амалда унинг ижросини назорат қила олмайди, одамларни ўз ортидан эргаштириш қобилияти йўқ, ўз қобигига ўрналиб олган, ёрдамчилари югуриб юрганда одамлар оқсоқолнинг жон куйдирганини ҳеч қачон кўришмайди. Шунинг учун ҳам сайловда ўйлаб, ҳар томонлама мушоҳада қилиб оқсоқолни сайлаш керак.

Самимийликни жуда юқори баҳолаганим учун маҳалла оқсоқоли самимий, очикқўн-гил бўлиши керак, деб ўйлайман. Токи маҳаллада яшовчи ҳар бир фуқаро ўз оқсоқолига бемалол муржоат қила олсин, унинг одилона ҳукмидан кўнгли тўлсин. Шундагина ечимини кутиб ётган муаммолар кўпаймасдан уларнинг олди олинадими.

**Азизахон АБДУМАЖИДОВА,  
Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси:**

— Яқинда бир сайловда иштирок этдим. Ҳисоботлар эшитилди. Маҳалла фаоллари сўзга чиқди. Ютуқ ва камчиликлар ҳақида шунчаки айтиб ўтилди. Уларни бажаришнинг аниқ мuddати тўғрисида фикр билдирилгани йўқ. Холбуки, спорт майдончасини қуриш ва ишга туширишни энг долзарб деб ўйлайман. Менинг фикримча маҳалла оқсоқоли биринчи навбатда ҳаммага бирдек муомала қила оладиган ширин забон бўлиши, айниса ёшларни тушуниб, уларни тўғри йўлга сола билиши керак. У ҳар қандай муаммонинг ечимини топиши, кексаларга, бетоб ётган касалманд инсонларга меҳр-шафқат-

ли бўлиши лозим. Катталар ўз сафларига ёшлардан ҳам таклиф қилсалар, жуда яхши бўларди. Чунки ақли, ғайратли, тиришқоқ ва уквули ёшлар орамизда жуда кўп, улар ўзлари ибрат бўлиб ортларидан тенгдошларини ҳам эргаштира оладилар.

**Феруза УМРЗОКОВА,  
Тошкент юридик коллежи талабаси:**

— Маҳаллаларда бўлиб ўтаётган сайловларнинг анчасида қатнашдим. Ва шундай хулоса чиқардим. Халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги тобора ортмоқда. Ҳақ-хуқуқини таниган ҳолда ўзига маъқул бўлган номзод учун овоз бермоқда. Бу жуда яхши, албатта. Лекин айрим фуқароларнинг сайловдан кейин ўзича гаплашиб кетаётганини эшитиб, ҳайрон бўламан. Нега фикринг бошқа экан, овоз бердинг, нега ўз фикрингнинг тўғрилигини айтиб исботлаб бера олмадинг? Менинг фикримча, маҳалла оқсоқоли мақомини кўтара оладиган инсонларни билиб сайлаш лозим. Озгина вақт ўтгандан сўнг одамларни менсимай, беписандлик билан муомала қиладиган, уч-тўртта одамни ёнига олиб, мажлис бўлиб ўтди деб қарор чиқариб юборадиган, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган инсонларнинг сайлангани дуруст. Маҳаллада ёшларнинг ҳам ўрни алоҳида бўлмоғи керак. Чунки бугунги ёшлар эртамзи эгалари деб бежизга айтайлаётгани йўқ. Соғлом, ақли-хушли фарзандларнинг камолга етиши эса жамиятимиз, она-Ватан, истиқболни, умид билан фарзанд ўстираётган ота-она учун туганмас бойлик, баркамоллик бўлиб хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА ёзиб олди.

**Танловлар**



Адабиёт йўналиши буйича 8 нафар иқтидорли қизлар ичидан Феруза Умрзокова ғолиб чиқди.

2003 йилда унинг «Япроқ шивирӣ» деб номланган шеърий тўплами налрдан чиққан ва «Энг яхши китобхон» кўрик-танловининг республика босқичида биринчи ўринни эгаллади. Хозирда Тошкент ҳуқуқшунослик коллежининг 3-босқич талабаси бўлган ғолиба Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот марказининг жамоатчи муҳбири сифатида фаолият олиб бормоқда.

Санъат йўналиши буйича Мирзо Улугбек туман комиссиясидан тавсия этилган номзод Элнур Абдуллаева ғолибликни кўлга киритди. В.Успенский номидagi Республика махсус мусика академик лицейида фортепиано ихтисослиги буйича 2-босқичда таълим олаётган Элнур табиатдан ноёб истеъдодга эгалиги билан рақибларидан ажралиб турди. «Санъат гуначалари» республика ёш истеъдодлар танловида (1998 йил), Қозғистонда ўтказилган Халқаро ёш пианиночилар танловида, АҚШда бўлиб ўтган Халқаро маастер классдаги иштироки ва факторий ўринларни эгаллагани, «К.Дебюсси асарини яхши ижро этганлиги учун» дипломига эгалиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан

эълон қилинган ўрта махсус мусика ва санъат ўқув юртлири ёш ижрочиларининг 17-республика

**ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ**

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда 46 нафар иқтидорли қизлар ғолиблик учун ўзаро беллашдилар. Қуйида улар орасида ўз билим, малакалари билан ажралиб турган ва танлов ғолиблари бўлганлари билан таништириб ўтамыз.

танлови совриндори бўлгани учун юксак иқтидори, ижро маҳоратидан далолат беради.

Маданият йўналиши буйича Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейнинг 3-босқичида тахсил олаётган Камола Эрматовна ғалаба қозонди. Камолани кўнчилиқ Ўзбекистон телеканални орқали намойиш этиладиган «Қизлар давраси» кўрсатуви-нинг Гран при совриндори ва «Умид юлдузлари» фестивалларининг доимий бошловчиси сифатида танийди. Шу йили К.Эрматовнанинг «Покиятини куйлайман» номли шеърий тўплами чоп этилди. У 2001 йилда «XXI-аср маликаси» кўрик танловининг шаҳар босқичи ва «Соғлом авлод — келажак пойдевори» кўрик-танловининг ғолиби бўлган. Камола ўзи-

ни ҳар бир соҳада синаб кўришга интилувчан қиз. У инглиз тили ва компьютер буйича билимларни

**ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ**

«Эҳтиром» номли шеърий тўплами, 2001 йилда «Сардорнинг саргузаштлари» деб номланган ҳикоялар тўплами, 2002 йилда «Она», «Муаллим» китоблари налрдан чиққан. У ўзи таълим олаётган мактабда ўтказиладиган маданий тадбирларнинг сценарийсини ёзади, мактаб номидан кўрик-танловлар, олимпиадаларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаган. Таълим муассасасида «Қизлар» клубини бошқаради.

«Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ғолиблари Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Фахрий ёрлиги ва қимматбахо совғалари билан тақдирланди, танловнинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритдилар. Танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам Фахрий ёрликлар ва ҳимой ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шажоиза **КУДРАТХУЖАЕВА,** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизматининг етакчи мутахассиси. **СУРАТЛАРДА:** «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.

## Кўнмидаги гаплар

Миллий қадриятларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Мустақиллик туғайли қайтарилган азалий аъналаримизнинг шукронасини қиламиз. Тўй ва маросимларимизни эмин-эркин ўтказадиган бўлдик. Диний қадриятларимиз тикланди. Нимаки инсонийлик бурчимиз бўлса бемалол бажарадиган, яхши кўнларимизни дўстлар, ақинларимиз, кўни-қўшнилари, қон-қариндошлар даврасида ўтказадиган бўлдик. Дилимизда бор бўлган эзгу тилаклар, кутлуг орузларни рўёбга чиқаряпмиз. Лекин биргина талаб, биргина истак—у ҳам бўлса меъёрни унутмаслик. Ҳар қандай дабдабозлик, манманлик, кибру-ҳавога берилмай ноўрин қилмишларимиз билан ақин атрафимизда яшовчи чор-ночор кишиларнинг гашига тегмасак бўлди. Бу хусусда гапирамиз десак гап кўп, мисоллар келтирамиз десак истаганида топилди. Бугун биз дабдабали ўтаётган тўйлар, йиғинлар ҳақидаги фикримизни бир четга кўя туриб фақатгина тоғора можароси ҳақида сўз юритишни лозим топдик.

Рўзан-рамазон кунлари охираб бораётган шу дамларда қиз узатган оилалар яна гимирлаб қолишди. Улардан қанча-қанчалари шу муборақ ойнинг сўнгги кунларини тоғора ташвиши билан бехаловат ўтказишяпти. Кўни кеча Эски Жува бозорида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Расталар, йўлқалар ҳар доимдагидан гавжум эди. Бозор мута-садиларидан бунинг боисини сўрасак: «Хайит ақин, ҳамма уни ўзига хос нишонлаш тараддудида, ўзбекчилик, биров келин туширган, биров қиз узатган. Уларнинг бошида тоғора ташвиши. Яна қимлардан оламдан ўтган ақинлари, ота-оналарнинг хайит маъракасини ўтказиш ҳаракатида юрибди», деган гапларни айтишди.

Хаёллар оғушида бораётиб икки аёлнинг куйидаги гаплари қулоғимизга чалинди.

— Тинчликми Маъсудахон, бугун бозорни катта қилиб юборибсиз. Рўзгор ғамими дейман?

— Эй қаёқда дейсиз? Рўзгор ғалвасидан кутулганман. Барча керакли нарсаларни хўжайиннинг ўзлари қилиб берадилар. Меники бошқа ташвиш ўргилай. Кичик қизимизнинг хайити-ку.

— Ҳа, тоғора ташвиши денг.

— Шундай ўргилай. Ҳеч қутулмадик, қутулмадик-да шу зорманда тоғорадан.

— Вой нимасини айтасиз. Менинг синглимнинг бошида ҳам шу ғалва. Бечора ўлиб-тирилиб, қарз-ҳавола кўтариб ҳаражат қиялпти.

Сўхбат мавзудан кўриниб турибдики, бугун тоғора ташвишида юрган шу аёлларнинг ўзлари ҳам истамаган ҳолда унга қўл урмишяпти. Лекин «Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин» қабилида иш тутийапти.

Шунақа гапларни эшитсанг йўлини қолсан киши. Ҳар йили тўй маросимлари ҳақида гапирамиз. Келин хайитлари, қуданикига юбориладиган тоғораларни чеклаш, рисолага солиш хусусида бонг урамиз. Кўпни кўрган нуруний кесаларимизга, маҳалла фолларига, хотин-қизларимизга сўз берамиз. Лекин негадир ҳаммамиз ҳам бу таклиф ва истақларни ўз ўрнида қабул қилавермаймиз. Турли йўллар билан уни четлаб ўтадиган оилалар ҳали ҳам топилди. Улар қандай бўлмасин, ўз дилидаги «орзу-ҳаваси»ни бажаришга ҳаракат қилишди.

Узоққа бормаё ўтган йилги хайит маросимини олайлик. Тоғора можароси ҳақида қанчалар жон куйдирдик. Ҳатто қуданикига юбориладиган тоғораларнинг сонигагина белгилаб қўйдик. Бироқ бу ҳақиқатини англаб етганлар бўлди, ўз билганидан қайтмаганлар бўлди. Уларнинг қилмишлари барибир қулоққа етиб келди. Биргина тортининг ўзига юз мингдан ортиқча пул сарфлаб буюртма берганларни эшитиб хайратда қолдик. Нима эмиш, тортида келин-куёвнинг рамзий акси туширилган эмиш. Улар сўлим боғда сайр қилиб юришганмиш. Ҳўш, шу билан нимани ортирдир ўша тортини ҳаётидан одамлар? Ахир бу бориб турган нонтепелик, манманлик эмасми? Наҳот шуни тушуниб етишмасми?

Ўтган хайит кунинида аёлим кўчадан гап топиб келди.

— Вой отаси, кўрмабсиз, оламга келмасиз. Ҳакимаҳоннинг қудаси хайит қилиб 80 та тоғора жўнатибди. Уларда бедана кабодан тортиб, қази-қарталарча бор. Сарпо-сурқларни айтмайсизми бир олам.

Кўёв-келинга уч-тўрт сидрадан бош-оёқ кийим, келинга тилла занжир, куёвга тилла соат сепочкаси билан. Ҳакимаҳоннинг ўзига, эрига, ота-онасига қимматбахо кийим-кечаклар. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Шу десангиз келиннинг отаси кеча келиб чет эл машинасини куёвга совға қилиб кетибди. Қуда қилсанг шунақа орзули жойдан қилсанг-да.

Эсанс қотиб индамадим.

Ҳўш, қўша-қўша тоғорано, сарпо-сурқ хатто машинасигача совға қилаётганлар қимлар ахир? Улар қайси пулга қилишяпти бу ортиқча ҳаражатларни? Ошиб-тошиб кетаётган бу бойваччалар ўзлари билан бир

эмиш. Кошки кийим-кечак билан кутулсак. Бу ёқда тоғора жанжалини айтмайсанми? Шунга биров сармождан қийналиб турирман. Уйлай-уйлай сенинг хузурингга бош эгиб келдим.

Сўраганининг бир юзи, бермаганининг икки юзи қора. Ҳозир дўстимга «хотининг бекор айтибди», қабилада ақл ўргатсам дили оғриши турган гап. У минг андиша билан ақин тортиб менинг олдимга келибдими, демак қай даражада бўлсада ҳожатини чиқаришим керак. Шундай ҳаёлда у айтганча бўлсада ҳар қалай ярим-ёрти пулни олиб чиқиб қўлига тутқаздим. Ўтиги билан кўрпага қараб оёқ узатиш лозимлигини тушунирдим. Беғали сўзларимни худди гуноҳкордек бошини эгиб тинглади. Хайрлашиб бир аллозда чиқиб кетди.

Қизимизнинг туғилган кунига торт тортиқ қиладиган бўлдик. Аёлим: «Торт қидириб юрамизми, қўшнимиз Манзураҳонга айтсак мўъжазгина қилиб торт тайёрлаб беради», деб қолди.

Кечкурун ишдан қайтсам у:

— Вой Манзураҳоннинг буюртмалари кўп экан. «Биласиз, хайит

руқ қиларкан деб. Шу ҳақда қайнонамага ётиги билан оғиз очсам: «Ҳой келин, бу нима деганингиз келинлик уйга уч кун хайит қилиб қанчадан-қанча одамлар келиб кетади. Ахир ўшаларнинг олдига арзиғулик дастурхон ёзмай бўлдимиз? Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар деган гап бор. Айтинг, ота-онангиз уларнинг олдига бизни шарманда қилишмасин. Сарпо-сурқ, тоғораларни бисёр қилишсин», дейдилар. Онамниқига бориб, уларга шу гапларни етказдим. Ойижоним: «Қандай қилайлик болам, қайнонагиз шунақа деб тургандан кейин ўзимизни гаровга қўйиб бўлса ҳам қиламизда айтганларини. Бўлмаса ўртага совуқчилик тушади. Қудачилик минг йилчилик» дедилар. Ойижоним шундай деяптилару, менинг юрагим эзилиб кетяпти. Айтинг, қачон қутуламиз бу тоғора можаросидан?»

Афсуслар бўлсинки «Бор борица, йўқ холиҳа» деган мақолага амал қилмайдиган шунақа қайноналар ҳам бор. Улар фақат ўзларини ўйлашди, ўзгалар билан иши йўқ. Шундайларга қарата «Инсофни унутманг, азизлар», дегимиз келади.

Шу ўринда хайит-маърақалар ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келди. Баъзи кишилар томонидан маърақаларни дабдабали тўйга айлантиришдек ҳолат юзага келтирилаётгани кишини ташвишга

## ТОҒОРА ТАШВИШИДАН ҚАЧОН ҚУТУЛАМИЗ?

маҳаллада турган бечораҳол оилаларга бир қиё боқшармикан? Афсуски, шундай дабдаба эгаллар, шунинг орқасидан сохта обрў топадиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқаришга устаси фаранг бу кимсалар ҳали ҳам ҳаётимизда учраб тураётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Кези келганда уларга бир ҳикоятни эслатиб қўймоқчи эдик.

Катта бир шаҳарнинг донг таратган бой-бадавлат кишини ҳар дам олиш кунини увадаси чиққан тўнини кийиб боғдаги майда-чуйда юмушларни ўзи бажариб юраркан. Унинг қанда қилмайдиган бу одатининг боиси нимада эканлигини билиш учун аъёнлардан бири ундан сўрабди. «Таксир, қанча-қанча хизматкорларингиз бўла туриб дам олиш кунини ўйин-кулги, кайфу сафо қилиш ўрнига эски тўнни кийиб боғда ишлашингизнинг боиси не?». Шунда у: «Бу одатим менга ўтмишимни эслатиб туради. Камбағалчиликдан мерос бўлиб қолган шу эски чопоним, бел оғритиб ишлашим ҳар дақиқада менга болаликдаги чор-ночор кунларимни кўз олдимга келтиради», деган жавобни берган экан. «Эски чорингизни унутма» деган нақл балки шундан қолган бўлса ажаб эмас.

Эшик кўнғирогои жириглаб қолди. Чиқиб очсам йўлакда дўстим Беғали турибди. Кучоқлашиб кўришдик. Қол-аҳвол сўрагандан сўнг мөҳмонни ичкарига таклиф қилдим.

— Нечук шамол учирди? — сўрайман ундан.

— Ҳа энди сени бир кўрай дедим-да.

— Жуда яхши қилибсан, зерикиб ўтирган эдим. Устига устак рўзачилик. Келганинг яхши бўлидида, гурунглашиб ўтирамиз.

— Бунга ҳам вақт топилиб қолар. Ҳозир биров шотиблиб турирман. Илтимос билан келувдим олдингга.

— Шунақами, хизмат?

— Биласан, яқинда қиз узатдик. Топган тугганимиз тўйга кетди. Энди қутулдим десам йўқ, яна бошқа ғалва чиқиб қолди.

— Нима экан?

— Хотин: «Эртага хайит келяпти, ҳаракатингизни қилинг. Қизимизга, куёвга ҳеч бўлмаса бир сидрадан бош-оёқ сарпо, қайнота, қайнона-сига яна бир нималар қилиш керак» дейди.

— Ахир тўйда ҳаммасини қилдинг-ку.

— Униси бошқа, буниси бошқа

яқин. Қуданикига тоғора юборадиган оилалар олдидан буюртма бериб қўйишган. Сизга торт ясаб беришга вақтим йўқ», деяпти, — деб қолди. Кейин қўшиб қўйди. — Вой, одамлар бор бўлсиней, палон пуллик торт ясаб берасиз, дейишибди-я. Биттасини Манзураҳон кўрсатса оғзим очилиб қолди. Ўзим бир столи тўлдирса керак. Бир олам одам еса тўйиб ортиб қолади. Вой тиниб-тинчиманларей, нималарни ўйлаб топишмайди. Тоғора-тоғора билан, қуданикига торт юбориш қаёқдан чиқди? Ҳозиргилар исрофдан ҳам кўрмайдиган бўлиб кетишган.

Шунақалар бор, улар ошириб-тошириб, бир столга сифмайдиган тортдан тортиб, қимматбахо музаймоқча қилишадими, кейин бир умр миннат қилиб юришади. Оилада бир ноҳўя гап ўтса югуриб келиб бетгачопарлик қилишади. Сен қимсану, мен қимман, деб гердайишади. Шундайлар ҳам борки, узатилган қизларининг оилада тили узун бўлиши учун атайлаб сарпо-сурқларни бисёр қилиб, хайитларда эса қўша-қўша тоғоралар жўнатишади. Еган оғиз уялидида ахир.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир воқеа. Қариндошимиз Мусатой ака қуданг борми деса бордек десин деб, ўғли севган қизни қақшатиб бой-бадавлат жойдан келин қилди. Хайит арафасида келин томондан берармон келди тоғоралар. Улардаги таомлардан биров тотиб кўрди, биров қўл урмади. Уч кун хайит дастурхонга кўз-кўз қилиш учун териб қўйилган ноз-неъматлар, таомлар уриниб қолди. Истеъмолга ярамаган ош-овқатларнинг хузурини ариқ кўрди. Энди айтинг, исроф қилинган бу неъматларнинг увели қимми тутати? Келин томоними, куёв томоними? Назаримизда ҳар иккаласини.

Яқинда тахририятга келган мактублар билан таниша туриб кичик бир хат эътиборимизни ўзига торти. У айнан биз фикр юритаётган мавзуга доир бўлгани учун уни тўлағичча келтиришни лозим топдик.

— «Менинг ота-онам чор-ночор яшадади, — деб ёзади Холида исми келинча. — Яқинда ўртача тўй қилиб куёвга узатишди. Мен келин бўлиб тушган оила ўзига тўқ, бадавлат. Хайит ақинлашгани сари юрагим зирқайди, ота-онам қаердан топиб, бизга тоғора, сарпо-су-

солади. Чунончи, хайит маърақаларида тўкин дастурхон ёзилиб, фотоҳақа келганларга қази-қартали ошлар тортилаётганини кўриб хайрон қолсан. Ахир мотамсоз оилани кўнғлига шундай тўкинчилик сифадими? Кўпчилигимиз ота-онамизнинг қадрига тирикчилигида етмаймизда, улар оламдан ўтгандан кейин марҳумлар руҳини шод этиш учун барча таъзияларни шохна ўтказишга ҳаракат қиламиз. Гўё шу билан улар олдидида гуноҳимизни ювгандек бўламиз. Бъзан эса орамизда ўз обрў-эътиборини ошириш, маҳалла-қўйга ўзининг қимлигини кўрсатиб қўйиш юзасидан ҳам шу йўлни тутадиганлар бор. Аслида эса ота-она ўлганидан кейин эмас, уларни тирикчилигида ёъзоллашимиз керак.

Яқинда қизини турмушга берган жияним билан учрашиб қолдик. Ундан қўнғил сўраган бўлдик. Тоғора ҳақида оғиз очсак у қулиб:

— Биз бунга ташвишлардан ҳолимиз. Қудам билан келишиб хайит расм-русумларини баҳоли қудрат ўтказадиган бўлдик. «Ортиқча даҳ-маҳонинг кимга кераги бўр? Уч кунлик хайит ўтади, кетади, тоғора-поғораларга сарф бўладиган маблағини оиламизнинг кор-холига яратсак биров биздан хафа бўладими?» деди қудам.

Хайрият, тушунадиган одамлар ҳам бор экан.

Биз юқорида тоғора можароси ва хайит маросимлари билан боғлиқ баъзи ҳаётини мисолларни келтирдик. Қолаверса, айнан шу дамларда оқшомхонлардан тахририятимизга келётган кўпчилик мактубларнинг мазмунида ҳам «Тоғора ташвишидан қачон қутуламиз?» деган савол ётибди. Ана шу фикрлардан қандай хулоса чиқариш ҳар қимнинг виждонига ҳавола. Зеро Юртбошимиз таъкидлаганларидек, агар биз тўй, диний маросим ва маърақаларга кетадиган маблағнинг бир қисмини оила юмушларини енгиллаштиришга, ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжларига, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстиришга, болаларимизга чуқур билим беришга, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарфласак энг оқилона ва савоб иш қилган бўлур эдик.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

Муносабат

Қуррамизда тез суръатлар билан техника тараққиёти ва аҳолининг ўсиб бориши табиат захираларидан оқилона, унумли фойдаланишни таъқозо этади. Аммо кейинги йилларда табиий манбалардан, хусусан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу билан бир қаторда бебаҳо захиралар — тоза ҳаво, сув, tuppoқ, ер ости ва ер усти фойдали казилмалари каби бойликларидан ноэқилона фойдаланиш оқибатида ер шарида экологик мувозанатнинг бузилиши кузатишмоқда. Натижада сайёрамизнинг турли нуқталарида кутилмаганда жазирама иссиқ, сув тошқинлари, турли тўфонлар, қаттиқ совуқ оқимлари, қор кўчиқлари содир бўлиши инсонлар яшashi ва турмуш шaroитига, саломатлигига катта хавф солмоқда.

ЭКОЛОГИК МУВОЗАНАТ БУЗИЛМАСИН

Инсон саломатлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳитнинг покизалиги, табиатнинг мусаффолигига боғлиқ. Шу боисдан инсон табиати, ўсимлиги жонотларни асраб-авайлаши, ҳаёт неъматларидан оқилона фойдаланиши керак.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар қатори табиати муҳофаза қилиш масалалари ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айтиш мумкинки, бу борада бир қатор ижобий ишлар қилинди. Шу йўналишдаги қонун-қондалар рўйбга чиқди. Буни пойтахтимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Шаҳримиз кундан кунга чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда, барча туманларда атроф-муҳит муҳофазасига катта эътибор қаратиляпти. Туманларда озодагарчилик, сув тармоқлари, ирригация шохобчаларини тозалаш, дарактларга шакл бериш эътиборга лойиқ тарзда бажарилмоқда.

Афсуски, шундай ижобий ишлар билан бир қаторда баъзи бир камчиликлар ҳам учраб туришидан кўз ўзини бўлмайди. Масалан, айрим туманларда коммунал хизматлардан фойдаланиш бошқармаларида, маҳалларда, ободонлаштириш бошқармаларида олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари текширувлар вақтида жойларда ибратли ишлар билан бир қаторда баъзи жузъий камчиликларга ҳам дуч келишар. Оқар сувлардан фойдаланиш, очиқ сув хавзаларини муҳофаза қилишга катта эътибор берилаётганига қарамастан, Собир Рахимов туманидаги Тансиқбоев мавзеси худуди олдидан оқиб ўтайдиган «Дамарик» канали ва ушбу худуднинг олдида жойлашган «Коракмиш» канали атрофи ноқонуний чиқиндилар билан тўлдирилган. Яъни чиқиндилар йиғиш жойи канал ҳамон минтақасидан чиқиб кетган ва табиати муҳофаза қилиш қонуни ва талабларига зид равишда жойлашган. Канал бўйлаб жойлашган уйларидаги аҳоли ҳам ўз навбатида

сувни доимий равишда ифлослантиришга «салмоқли» улуғи қўшиб келмоқда. Кўриниб турибдики, жойларда маҳалла кўмиталари бундай нотабиий ҳолларга чек қўйиш учун аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини етарлича олиб бормаяпти.

Ота-боболаримиз ҳамisha бизга оқар сувга туфламасликни ўргатиб келишган. Наҳотки, қарияларимизнинг бу доно сўзлари канал ўзани атрофида яшаётганлар учун бегона бўлса? Хозир ўлкамизда олтин куз. Бу мавсум ўзга фасллардан хазонрегиллик билан ажралиб туради. Куз секин-аста бизни тарқ этади. Эрта-индин бутун атроф тушкунлик оғушида колгандек бўлади. Дарахт барглари тўкилган сайин, яп-ялғонч дарахтларга қараб уларнинг шу қадар ўткинчилигини ҳис этамиш. Шундай экан, дарахтлардан тўкилаётган барглар ва хазонларни ўз вақтида супуриб-сидириб олиб чиқиб кетилиши керак. Афсуски бунинг ўрнига кўп жойларда хазонлар ёниб ётганига дуч келамиз. Хазон ёқилганда аввало кишининг соғлигига қаттиқ таъсир қилади.

Яқин ўтмишда оналаримиз ўчоқ бошида ҳўл ўтинни ёқолмай, ундан бурқисган тутундан кўзлари ёшланиб, нафаслари сиқилганлигига кўп бор гувоҳ бўлганмиш. Хозирги турмушимизда газдан фойдаланганлигимиз боис бундай тутун балосидан кутулдик. Лекин яқинда бўлган текширувда ноқулай холатга дуч келдик. Юқорида айтиб ўтганимиздек Собир Рахимов туманидаги Тансиқбоев мавзеси худудида хазонларнинг ёқилаётганлигига шохид бўлдик ва жавобгар шахсларга жарима солинди.

Яна шундай холатлардан бири 10 ноябрда кўмита тарғибот-ташвиқот бўлими ходимлари томонидан аниқланди. Бу ҳолга Чилонзор туманидаги Халқлар Дўстлиги кўчаси билан Фарход кўчаси туташган жойда дуч келинди. Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан хазонларни компост қилиш учун махсус ўра тайёрланган. Бу ўрага

туманнинг барча жойларидан хазонлар йиғиштириб келиниб шу ерга кўмилиши лозим. Лекин афсуслар бўлсинки, бу ерга фақат хазонлар эмас, балки машиный чиқиндилар ҳам ташланганлиги аниқланди, у ерда хазонлар ва чиқиндилар аралаш ҳолатда ёқилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда бизни бир савол ўйлантиради. Тўғри, бу ерга тўплаб кўйилган хазонларга кимдир ўт қўйиб юборган бўлиши мумкин. Бироқ бу ўзбошимчилик билан ободонлаштириш бошқармаси хизматчиларининг лоқайдлиги, бепарволиги сабабли содир этилган.

Азим шаҳримизда бугунги кунда 15 мингдан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Бу ишлаб чиқаришлар аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида хизмат қилиш билан бирга улардан чиқаётган ҳар хил чиқиндилар, тутунлар она табиатимизга маълум даражада зиён-заҳмат этказиши ҳам хеч кимга сир эмас. Албатта, бу зарарли моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Шундай экан азиз ҳамшаҳарлар, сув хавзаларини озода тутайлик, уларни тозалаш чораларини кўрайлик. Супуриб-сидирилган хазонларни зинҳор базиноҳр баъзи бир фаррошлар, маҳаллардаги хонадон бекалари томонидан ёқиш ҳолларига йўл қўймайлик.

Куз мавсумида кишга қизгин тайёрларик қўриш вақтида кўп қаватли уйлارнинг нураган томлари мавсумга тайёрлананди. Хозирги кунда кўп қаватли уйлар томида битумни очиқ ҳолатда ёқиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Уларнинг олдиди олайлик. Шунинг унутмангки, атроф-муҳитга керак-сиз чиқиндиларни қанча кам чиқарсак, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида ўзимизнинг ҳиссамизни шунчалик кўшган бўламиз.

Озода РАҲМАТҲУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлимининг етакчи мутахассиси.

Мағбирлар

ОНА-ТАБИАТНИ АСРАЙЛИК

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан Республика-миз Мустақиллигининг 12 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 11 йиллиги ҳамда Ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг 14 йиллиги муносабати билан боғча тарбиячилари ўртасида «Она-табиатни асрайлик» шiori остида икки босқичли кўрик-танлов ташкил этилди. Биринчи босқич 25 октябрда туманлардаги боғча тарбиячилари ўртасида ўтказилиб, туман голиблари иккинчи— шаҳар босқичига йўлланма олдилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари олдига қуйидаги талаблар қўйилган эди. Улар гуруҳда тарбиячи лавозимида доимий ишлаши, олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлиши, таълим муассасаларида иш фаолияти 2 йилдан кам бўлмаслиги, тажрибали, ижодкор, изланувчан тарбиячи бўлиши керак эди. Шу талабларни бажариш билан болалари ўқитиб бериладиган турли хил юмшак ўйинчоқлар, ана табиатимиз манзаралари акс этган расмлар, альбомлар, буклетлар кўргазмаларини намойиш этдилар. Тарбиячиларнинг конвертдаги экологик йўналишдаги саволларга берган

жавоблари уларнинг экологик билимлари савиясини аниқлашда қўл келди. Айниқса, танлов шартларидан бири — боғча болалари билан ўтказилган очик экологик машгулот кўпчиликнинг эътиборини тортди. Чунки тарбиячиларнинг ўта усталик билан, моҳирона экологик билимларини болаларимизга тушунарли тилда ниҳоятда содда қилиб, ҳаракатли ўйинлар орқали, турли хил кўргазмали қуроллар ёрдамида тушунтиришлари, болаларимизни боғча ёшидан бошлаб табиатни севишга, атроф-муҳитни тоза сақлашга, меҳнатсевар, одил инсонлар бўлиб етиштириларида шубҳасиз ўз самарасини беради.

Машгулотларнинг бири иккинчисини тақорламаган ҳолда турли мавзуларда ўтказилганлиги томошабинларни янада ўзига жалб қилди. Томошабинларнинг ак-

сарияти эса шахримизда фаолият кўрсатган болалар боғчаларининг мудиралари, услубчилари ҳамда тарбиячиларидан ташкил толган эди. Бу эса танлов катнашчиларининг илғор иш тажрибаларидан бошқа боғчаларнинг ҳам баҳраманд бўлиб, ўзларининг иш фаолиятларида қўллашлари учун қулай имконият бўлди. Тарбиячиларнинг берган саволларига болажонларнинг сахнадан туриб бийрон-бийрон жавоб беришлари барча йиғилганларни лол қолдирди. Бундан кўриниб турибдики, боғча тарбиячилари ўртасида кўрсатишга, ўрганишга аризилишлари талайгина экан.

Кўмитанинг танловни ташкил этишдан асл мақсади ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик маънавиятини қилиб тарбиялаш, она-табиатга, унинг табиий ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлишлик-

ни ўргатиш, илғор иш тажрибаларини тарғиб қилиш, кўмитанинг қолган барча ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишдан иборат эди.

Энди бевосита кўрик-танловга келадиغان бўлсак, унда Сергели туманидан ташқари барча 10 та туманлардан келган боғча тарбиячилари 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Қизгин бахсларга сабаб бўлган бу танловда фахрли биринчи ўрин Чилонзор туманидаги 24-боғча тарбиячиси Ноила Тўраҳўжаевага, иккинчи ўрин Яқкасарой туманидаги 250-болалар боғчаси тарбиячиси Лавийлон Муминовага, учинчи ўрин эса Мирзо Улуғбек туманидаги 433-болалар боғчаси тарбиячиси Мухаббат Аширматовга насиб этди. Танловнинг барча голиблари ва катнашчилари кўмитанинг диплом ва Фахрий ёрликлари, қимматбаҳо мукофотлари билан тақдирландилар.



№11 (140) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси

Шунга асосан маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқенини ошириш, маҳаллага хос удулларни давом эттириш, уни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, магистрал йўللари кенгайтириб таъмирлаш, унинг худудини экологик тоза ҳолатда сақлаш учун жуда кўп ишлар қилиниб келмоқда. Буларнинг ҳаммаси келажак авлодларимиз ва халқ учун соғлом муҳит яратиш мақсадида амалга оширилаётган ишлардир.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасига яқинда шу жой бўйича Навоий кўчаси 30

риш барлашмаси» давлат ҳиссдорлик жамиятига қарашли давлат рақами 10 AP 498, 10 АЖ 166



Туманларга

ЖИҲОЗЛАР ЎРНАТИЛДИ

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари томонидан Республика мувофиқлаштирувчи органи Тошкент шаҳар бўлим жадвали бўйича Акмал Икромов туманида жойлашган «РОАРО — ака-ука» масъулияти чекланган жамият корхонасида табиати муҳофаза қилиш қонунининг бажарилиши кўриб чиқилди.

Бу корхонанинг асосий иш фаолияти эски пахтани қайта ишлашдан иборат. Корхона майдони 0,69 гектар, ишчилар сони 10 кишидан иборат.

Корхонада пахтани қайта ишлаш қурилмалари мавжуд, шунга қарамастан бу ерда чанг тозалаш ускунасининг йўқлиги аниқланди. Бу атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қонуни-

нинг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари корхонада ёғочни қайта ишлаш цехи бор. Текшириш вақтида Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасидан бу цехнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси олинмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари ат-

мосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқариш манбаси рўйхати тузилмаган. Натижада цех бошлиғи Р.Мустақимовга 10880 сўм миқдорда жарима солинди. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти чанг тозалаш ускунаси ўрнатиш ва табиати муҳофаза қилиш кўмитасидан керакли ҳужжатларни олгунча тўхта-тилди. Жарималар ўз вақтида ундирилди. Яқинда ушбу корхона чанг тозалаш ускуналарини ўрнатди, натижада атмосферага зарарли моддалар чиқариш ка-

С. МАҲАМАТОВ, О. ТУРОВОВ, давлат нозир.

Бугун ушбу Қонуннинг баъзи моддаларида баён этилган қондаларни эслаб ўтмоқчимиз. 7-моддада қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси худуди бўйича атмосфера ҳавосининг сифатини белгилувчи ягона меъёр белгиланади. Худди шундай 8-, 10-, 11-моддаларда ҳам турли манбалардан чиқадиган зарарли, захарли моддаларнинг меъёри қатъий белгилаб қўйилган. Табиат ресурсларидан фойдаланишда аниққса, ҳавога турли моддаларни чиқаришда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар

МЕЪЁР — МЕЗОН

Ҳар нарсанинг меъёри бор. Шу жумладан атмосфера масаласида ҳам қатъий меъёрлар белгиланган. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунда ёзиб, белгилаб қўйилган.

Ишлаб чиқариш фаолиятига эга бўлган ҳар бир корхона, албатта, меъёрий ҳужжатларга эга бўлмоғи лозим. Унда атмосферага чиқарилаётган моддаларнинг миқдори, сифати, тарқиб қатъий белгиланмоғи шарт. Чиқиндиларнинг йўл

монидан белгиланган ҳужжатлар асосида олиб борилиши зарур.

ПДВ лойиҳаси тегишли мутасадди ташкилотлар, Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Маълумланганда кейин, рухсатнома берилади ва ушбу ҳужжат асосий мезон саналади. Унда кўзда тутилган барча меъёрларни бажариш зарурлигини таъкидлаш ортиқчадир.

Ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот, муассаса ўзининг меъёрий ҳужжатига эга бўлса, унга амал қилса қандай яхши!

Мекириқлар

ЭКОЛОГИЯ КУНДАЛИГИ

Шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлишиб, у ерда содир бўлаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўришди. Бундай нохуш ҳолларга йўл қўйган шахсларга жарималар солишди. Қуйида ана шундай жаримачилардан бир нечтаси эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

● Нозирлар Чилонзор туманида жойлашган «СВА-Г» корхонасида бўлганларида ушбу корхона ўз фаолиятини юритиш учун табиати муҳофаза қилиш кўмитасидан экспертиза хулосасини олмаганлигини аниқлашди. Шундай ўзбошимчиликка йўл қўйган корхона раҳбари Р.Тўлағанов ҳисобига 10 минг сўм жарима солинди.

● Собир Рахимов туманидаги Тошкент Давлат 2-тиббёт институтига яроқсиз люминисцент лампалар ўз вақтида зарарлан-тирилмаган. Шу сабабли бош энергетик Ш.Алиҳўжаев 5.500 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

● Собир Рахимов туманида жойлашган атторлик корхонасида эса автотранспорт воситаларидан чиқаётган зарарли моддалар миқдори ўз вақтида текширилмаганлиги учун шу корхона раҳбари ўринбосари Н.Ёдгоров 11 минг сўм миқдорда жаримага тортилди.

● Чилонзор туманидаги «ПГС» хусусий корхонаси экологик экспертиза хулосаси-

Биласизми?

ҚИЗИҚАРЛИ РАҚАМЛАР

Одамзот 70 йиллик умри мобайнида қанча маҳсулот тановул қилишини ҳамма ҳам билмаса керак.

● Биолог олимларнинг ҳисоб-китоблари қараганда, ўрта ҳисобида 70 ёшга қирган инсон 40 тоннага яқин овқат, 11 тонна нон, 70 пуд (1 пуд — 16,3 килога тенг) туз, 7 тонна гўшт, 1 тоннага яқин балиқ, 42 тонна суюқлик (албатта бунга чой, сут, лимонад, қатик ҳам қиради) истеъмол қилар экан.

● Бундан ташқари 70 йил умри даврида инсон 380.000 кубметр ҳавони ўпмага олиб чиқарар экан.

● Инсон юраги шунчалик бақувватки, унинг куни ҳар йили 900 килограмм юкни 15 метр баландликка кўтариб чиқишга қўш ёки бирор жониворга ўхшаб туғилиши мумкин. Қуёнлаб ёки бури танглайга ўхшаган туғма ногиронлик ҳам бўлади. Кулоқсиз, соқов, қар, кўр, икки хил жинсий органлар, суннати ўзи билан туғилган болалар, қоши ва кип-риклари оппоқ кишилар, мўйловли қизлар ҳам учраб туради.

ЮРАГИ ТАШҚАРИДА

Европа газетларида ҳаётда камдан-кам учрайдиган бир ҳодиса ҳақида хабар 70 йил илгари босилган эди. Хабарга кўра, прагалик бир аёл фарзанд кўрган. Боланинг юраги кўкрагидан ташқарида жойлашган экан. Юрак жуда суст ураб, бадани ҳарорати эса 40 даража атрофида бўлган.

БИР ОДАМДА ОЛТИТА ОШҚОЗОН

Бенгалиялик 24 ёшли Сайкума Даснинг олтита ошқозони бор экан. Шунинг учун ҳам у ҳар куни 15 килограмм

тенг экан.

● Кичкинагина миямизда 10 миллиард хужайралар борлиги аниқланган.

● Миямиз 86 миллионга ахборот ва маълумотларни сақлашга қодир экан.

● Танамизнинг ҳар 6,5 квадрат сантиметрида 25 метр асаб тоналари, 1000 дан ортиқ асаб нуқталари, 6000 метр кон томирлари мавжуд экан.

Энди ўзингиз бир йиллик, 10 йиллик озиқ-овқат ва тановул қилинадиган маҳсулотларни ҳисоблаб кўрингми?

нон, 2 килограмм хантал (горчица), 15 литр сут, 30 литр сув, бир челақ чой, шу билан бирга ҳўл мева, сабзавот, ошқовоқ, банан — жами 80 килограммга яқин овқат истеъмол қилар экан.

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАМ ҲАМ**  
**ДОМО БУЛУР...**

• Қаноатда кўнгилга равшанлик ҳосил бўлади, қаноат кўз нурини ортиради. Қаноат бир чашмадирки, сувидан ҳар қанча олсангиз ҳам тугамайди. Таъмағирлик эса, одамгарчилик, инсонпарварлик заволидир. Таъма ўти орномус уйини куйдиради.

• Бошқалардан камчилик излашдан аввал ўз камчиликлари-мизга кўз ташлайлик. Ўз камчилигини сезган одам бошқалардан камчилик излашга уринмайди.

• Мол-дунёмиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам иқтисодга риоя қилмасак, тез вақт ичида қор каби эриб кетади.

• Ҳар нарсанинг бир далили бор: ақлинг далили — тафаккур, унинг далили эса сукутдир.

• Одамларнинг бизга гўзал муомалада бўлишларини истасак, аввал ўзимиз уларга гўзал муомалада бўлайлик.

Фарзандларимизнинг одобли, тарбияли бўлишларини албатта ҳаммамиз истаймиз, шунинг учун аввал ахлокли, тарбияли бўлайлик, фарзандларимиз биздан ўрناқ оладилар.

• Алишер Навоий айтади:  
**Элга шараф бўлмади**  
**жоҳу насаб**

**Лек шараф келди**  
**хаёу адаб.**

**Чунки ёгин манбаи**  
**бўлди ҳаё**

**Катраси тупрокни**  
**қилур тўтиё.**

• Суқрот ҳақим айтади:  
— Агар ўзингизга бир дўст сайлаб олишни истасангиз, унинг таржимаи ҳолини мана шу равишда ўрганинг: 1. Болалик, ёшлик вақтида ота-онасига қандай муомалада бўлган? 2. Қариндош уруғларига-чи? 3. Ёши улғайиб катта бўлгандан кейин ўз дўстлари ва бошқа одамлар билан қандай муомалада бўлган? 4. Бир одамдан яхшилик кўрганда у одамдан миннатдор бўлганми?

Бир одам билан дўст бўлишни истаб, унинг таржимаи ҳолини юқорида айтилганча яхшилаб текширганингиздан кейин, унинг ҳар жиҳатдан яхши одам эканига қаноат ҳосил қилсангиз, у билан дўст бўлишингиз мумкин.

Яна у одамнинг иккита даражада бўлган ҳисларини ҳам диққат билан текшириб, билиб олинг: 1. Дўст бўладиган кишининг роҳат ва лаззатга муҳаббати қандай? 2. Майшатга жуда ҳам берилиб, фақат кўрсогога хизмат этувчимми? 3. Пул, мол-дунёга муҳаббати қандай? Пулни кўрганда ўзини сақлаб тура оладими? Чунки бошқа нарсани тушунмай, ўз манфаатларини кўзлаган, сиздан фойдаланиш учунгина дўст бўлган киши бошингизга бирор мушкул иш тушганда сиздан дарҳол қўл чекади. Агар душманингиз сизга катта бир зарар етказишга ундаб унга пул ваъда қилса, дарҳол бошингизга бир фалокат келтиришдан тортинмайди. Шунинг учун дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлинг.

Агар яхши текшириб, синаш орқасида самимий дўстга эга бўлсангиз, уни асло қўлдан чиқарманг, у самимий дўстингиздан бирор айб содир бўлса, уни кечиринг, у ҳам сиздан айб содир бўлса кечиради. Самимий дўстинга сизнинг шодлигингизга шодланади, қайғуингизга қайғуради.

**Эгрига ҳар кимса дўст**  
**бўлса куяра,**  
**Номувофик дўст бўлмай**  
**дарди сар.**  
**Гар самимий дўстини топсанг,**  
**эй ўғил,**  
**У азиз дўстанд сира ажралмагил!**

**ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН**

Ўзбекистон ва Афғонистон чегара ҳудудида «Айритом» божхона мажмуининг тантанали очилиш маросими қўшни Афғонистон оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритилди.

**ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ТАНТАНАСИ**

Ушбу мавзуга бағишланган материалларда мажмуининг фаолият кўрсата бошлагани мамлакатнинг расмий, сиёсий ва ишбилармон доиралари томонидан катта мамнуният билан қарши олингани ёзилади.

Кобулда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик ваколатхоналар вакилларининг таъкидлашича, «Айритом» божхона мажмуининг очилиши Афғонистонга Марказий

Осий давлатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга янги имкониятлар яратди.

БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги махус вакили Л.Иброҳимий мажмуининг очилишини Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2002 йилнинг декабрида Кобулда имзоланган «Афғонистон ва унга чегаралош давлатлар ўртасида яхши қўшничилик» тўғрисидаги декларация тамойилларига

тўла мос келишини эътироф этди. «Анис», «Фардо» ва «Кобул таймс» каби газеталарининг ёзишича, ушбу воқеа келгусида Ҳайратон-Мозори Шариф йўналиши бўйлаб темир йўл шохобчасини, Марказий Осий давлатлари ва Афғонистон учун жаҳон бозорига чиқишга имкон берувчи Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф — Шибиргон — Маймана — Ҳирот — Дилором — Чоҳбаҳор транзит йўлагини барпо этишдек хайрли ишда Ўзбекистон ҳукуматининг асосий ташаббускор сифатида иштирок этишга тайёрлигини кўрсатади.

**Ричард Никсон номли марказда «Суфийлик тушунчаси ва унинг АҚШ сиёсатидаги потенциал роли» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.**

**ТЕРРОРИЗМ ВА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА**

Унда АҚШ мусулмонлари Олий кенгаши раиси М.Қаббоний маъруза қилди. Анжуман катнашчилари асосий эътиборни суфий тариқатларнинг Евро-сиё мамлакатларидаги фаолиятига баҳо бериш ва ушбу ислом оқимининг АҚШ минтақавий сиёсатидаги аҳтимоли ролига қаратдилар.

Ричард Никсон номли марказ хузуридаги «Халқаро хавфсизлик ва энергетика» дастури директори З.Баран семинари ишини очар экан, экстремистик ташкилотлар раҳбарлари

аҳолининг етарлича диний билимга эга эмаслиги ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий қийинчилигидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилаётганини таъкидлаб ўтди. Айни пайтда у Оқ уй маъмурияти диний радикализмга муқобил равишда исломнинг бағрикенглик (толерантлик) тамойилларини қўллаб-қувватлаш масаласига эътиборни қучайтириши зарурлигини айтди.

З.Баран ўз фикрини давом эттириб, аънавий исломни

қўллаб-қувватлаш йўли билан динлараро ва миллатлараро тотувликка эришган Ўзбекистон тажрибасини ижобий мисол сифатида келтирди. Унинг таъкидлашича, Тошкент Ислам университетининг ташкил қилиниши диний таълимни ривожлантиришга янги имкониятлар яратди ва бундай тажрибадан бошқа мусулмон давлатларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Профессор А.Годласнинг фикрича, Президент Ислам Каримовнинг аънавий ислом мактабларини қўллаб-қувватлаш, Имом ал-Бухорий каби машхур дин арбоблари меросини тиклаш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган сиёсати Ўзбекистон аҳолиси ўртасида ваъжобийлик ғояларининг кенг тарқаб кетишининг олдини олди.

АҚШ Хавфсизлик кенгаши Марказий Осий ва Кавказ де-

партаменти директори М.Брайза АҚШ раҳбариятининг турли мутаассиб диний оқимлар билан боғлиқ муаммоларга нисбатан муносабатиде тўхталар экан, ваҳобийлик ва «Ҳизб-ут-таҳрир» каби экстремистик ташкилотлар ғоялари Жорж Буш маъмуриятида ташвиш уйғотаётганини таъкидлади.

Анжуманда экспертлар исломнинг мўътадил оқимларини қўллаб-қувватлаш, Қуръони Каримнинг аънавий изоҳларини инглиз ва дунёнинг бошқа тилларида чоп этишни кенгрок ташкиллаштириш, ислом олами мамлакатлари билан «жамоатчилик дипломатияси»ни кучайтириш, АҚШга ислом олимларини тажриба алмашишга ва талабаларни Америка билим юртида ўқитишга кўпроқ жалб қилиш заруратига алоҳида эътибор қаратишди.

«Жаҳон» АА



**Мақбурлар**

**ҚУТҚАРУВЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ**

Тезкорлик, чаққонлик, энгиллик, жисмоний чиниқлиги инсонлар учун фойдалидир. Аммо орамизда шундай касб эгалари ҳам борки, уларнинг ҳар бир ҳаракати, илдамликлари, тезкорлик билан вазиятни тўғри боҳолай олишлари эвазига кишиларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Бу касб эгаларининг жасурлиги ва мардликлари албатта эътиборга лойиқдир.

Ўзини инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларни қийин вазиятлардан қутқаришдек ишга чоғлаган 050 қутқарув хизмати ходимлари олдида қўйган вазиятлардан чиндан ҳам жасуратга тенг. Бугунги кунда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари нохуш вазият содир бўлган жойга тезда етиб келиб, жароҳатланган ёки хушсиз ётган кишига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишдек масъулиятли вазифани амалга оширадилар. Ўз навбатида фавқулодда вазиятлар хизмати ходимларига барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг ҳимоя кийимлари, махус транспортлари ҳамда қутқарув зарур бўладиган мосламалар асосий иш қуроллари саналади.

Маълумки, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан шаҳар ҳокимлиги ташаббуси орқали ташкил этилган бирлашган қутқарув кучлари иштирокида ҳар йили махус майдонларда ўқув машғулотлари ўтказиб борилади. Ўтказилаётган бундай ўқув машғулотларида захирадаги қутқарув кучларининг ишларига масъуликлари, фавқулодда вазият содир бўлган ҳолларда керак бўладиган тезкорлик ҳамда маҳоратлари синаб кўрилади.

Яқинда ана шундай ўқув машғулотларидан бири «Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссалорлик жамиятида бўлиб ўтди. Талбир шартларига кўра, қутқарувчилар ёнаётган самолётдаги ёнгини ўчириб ҳаво кемасининг жароҳатланган бошқарувчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари керак эди. Машғулот майдони ҳақиқий қутқарув майдонига айланиб кетди. Қутқарувчилар белгиланган вақт мобайнида топириқни аъло даражада бажаришиб, тез тиббий ёрдамни ҳам кўнгилдагидек кўрсатишди. Бу ҳақда шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи, полковник Эргаш Икромов шундай дейди:

— Жорий йилда махус тактик машғулотлар шахримизнинг фаол ишлаб чиқариш объектларида, ўқув ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларида, шунингдек, бир қанча тажриба майдонларида ўтказиб келинди. Машғулотларга эса биз асосан фавқулодда вазиятлар содир бўлиши тахмин қилинган жойларда яшовчи аҳолини жалб этишга ҳаракат қиламиз. Сабаби ана шундай ҳолатлар рўй берганда аҳоли вазиятни тўғри баҳолай олиши лозим. Мана кўриб турганингиздек, қутқарувчиларимиз белгиланган жойга ўз вақтида етиб келишиб, вазифаларини кўнгилдагидек адо этишди. Келгусида бундай тактик машғулотларни белгиланган бошқа объектларда ҳам давом эттириш ниятида-миз.

**Орзуғул РУСТАМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:**  
**машғулотдан**  
**лавҳалар.**  
**Тоҳир Нигматуллин**  
**олган суратлар.**

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!**  
**ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЖАНОБЛАР!**  
**ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**«ROYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ**  
**2003 йил 19,26 декабрь, 2004 йил 2,9,16,23,30 январь кунлари**  
**КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ !**

Аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилади:

1. Банкрот деб эълон қилинган «1-SON TOSHKENT UY-JOY QURILISH KOMBINATI» очик турдаги акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳри, Ҳамаза тумани, Строительная кўчаси, 1-уйда жойлашган бино ва иншоотлари (ХРУМ ва СУ-26) қўйилади. Объектнинг бошланғич нархи 32 000 000 сўм.

2. «O'ZPAXTAMASH» очик турдаги акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тюльпановский тор кўчаси, 92-уйда жойлашган, умумий майдони 5503 квадрат метр бўлган уч қаватли цех биноси, бошланғич нархи 59 390 300 сўм ва умумий майдони 250 квадрат метр бўлган бир қаватли цех биноси бошланғич нархи 1 641 300 сўм.

Тошкент шаҳрининг қуйидаги манзилларида жойлашган ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқлари

№	Ер участкасининг манзили, қурилиш кўзда тутилган иншоот	Ер участкаларининг сатхи, га	Бошланғич нархи, сўм		
1	2	3	4		
<b>Сергели тумани</b>					
1	Янги Сергели кўчасида махсулштирилган дўкон	0,15	10 018 500	0,01	2 662 800
2	Янги Сергели кўчасида чойхона-қаҳвахона ҳамда ресторан	0,12	8 176 200	0,04	3 408 600
3	Янги Сергели кўчасида махсулштирилган иншоот	0,10	6 948 000	0,04	3 408 600
4	Янги Сергели кўчасида офис	0,12	8 176 200	0,02	1 704 300
5	Сергели даҳаси, 6-мавзе, Аламини кўчасида умумий овқатланиш шохобчаси ва савдо дўкони	0,01	1 269 600	0,02	2 727 200
<b>Миробод тумани</b>					
19	У.Олимбеков кўчасида чойхона (муҳандислик иншоотларидан мисофа сақлаган ҳолада мавжуд дарахларни сақлаб қолиш шарти билан)			0,06	5 250 600
20	Фитрат кўчасида савдо дўкони			0,03	2 173 200
<b>Собир Раҳимов тумани</b>					
21	Фаробий кўчасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш мажмуаси			0,05	30 417 250
<b>Бектемир тумани</b>					
22	Х.Бойқаро кўчасида супермаркет			0,02	1 681 000
23	Х.Бойқаро кўчасида миний хизмат кўрсатиш мажмуаси			0,03	2 118 000
24	Лойиҳадаги Г-60,0 м кўчасида савдо дўкони			0,02	1 681 000
25	«Сувос» мавзесида озик-овқат дўкони			0,02	1 681 000
<b>Мирзо Улуғбек тумани</b>					
26	Гулсара кўчасида дўкон			0,015	4 277 250
27	Лафари кўчасида минимаркет			0,032	3 559 640
<b>Юнусобод тумани</b>					
28	Гв.полковник Хужаев кўчасида савдо миний хизмат кўрсатиш мажмуаси			0,03	3 432 750

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00 да, бино ва иншоотларга савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

**2003 йил 19,26 декабрь,**  
**2004 йил 2,9,16,23,30 январь**  
**кунларидаги**  
**ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимига қарашли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин-Салор кўчаси, 1«В»-уйда жойлашган 380-сонли болалар боғчаси қўйилади. **Болалар боғчасининг бошланғич нархи 61756500 (олтмиш бир миллион етти юз эллик олти минг беш юз) сўм ёки 63400 (олтмиш уч минг тўрт юз) АҚШ доллари.**

**ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ**

1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиши.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камида 5 йил мобайнида сақлаб қолиши.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муд-

датларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.

4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.

5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоляр ҳажми.

6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига ёган бўлиши.

7. Мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.

8. Хизмат ҳақлари бўйича таклифлар ва имтиёзлар.

9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориши.

10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича таклифлар.

Танлов савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда, конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (Бизнес-режа) топширадилар.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар ер участкалари учун бошланғич нархдан 5 фоизи миқдорда, бино ва иншоотлар ҳамда болалар боғчаси учун бошланғич нархдан 10 фоизи миқдордаги зақалат пулини «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг «Ўзуйжойжамгармабанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

**Савдолар соат 11-00 да бошланади.**

**Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундириш учун хатланб банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилиди.

1. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник носоз;
2. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
3. "Заз-968" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000 сўм, техник носоз;
4. "Ваз-2101" автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Д 17-11 ТН, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
5. "Газ-2417" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 99-62 ТНА, бошланғич нархи 317 500 сўм, техник носоз;

6. "Иж-21251" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70-20 ТНБ, бошланғич нархи 221 500 сўм, техник носоз;
7. "Иж-271501" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 46-93 ТНН, бошланғич нархи 221 500 сўм, техник носоз;
8. "Ваз-2106" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 С 98-97, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;
9. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
10. "Ваз-2101" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Р 89-02 ТН, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
11. "Газ-210200" автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 137, бошланғич нархи 1 250 000 сўм, техник носоз;
12. Иж-21251" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 25-08 ТНС, бошланғич нархи 501 000 сўм, техник носоз;
13. "УАЗ-452В" автомобили, 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 31-58 ТНМ, бошланғич нархи 95 000 сўм, техник носоз;

14. "Газ-3307" юк автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 98-25 ТНБ, бошланғич нархи 782 800 сўм;
15. "Газ-53" юк автомобили, 1973 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 634, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
16. "Зил-130-ИП-980" юк автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АН 827, бошланғич нархи 450 000 сўм, техник носоз;
17. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм;
18. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;
19. "Зил-157" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АО 593, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;
20. "Газ-672" автобуси, 1971 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 049, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
21. "Газ-5201" юк автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 63-24 ТНМ, бошланғич нархи 650 000 сўм, техник носоз;

22. "Зил 45021" юк автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10АА351, бошланғич нархи 252000 сўм;
23. "Лаз-699" автобуси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-48 ТНС, бошланғич нархи 830 000 сўм, техник носоз;
24. "Лаз-695Н" автобуси, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 09-96 ТНН, бошланғич нархи 410 000 сўм, техник носоз;
25. "Лаз-695Н" автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 24-01 ТНП, бошланғич нархи 545 000 сўм, техник носоз;

**Ким ошди савдоси 2003 йил 20 ва 22 ноябрда соат 11-00 да ўтказилади.**

**Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08.**

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 310-ўрта мактаб томонидан Усмонова Санобар Махмуджоновна номига берилган UZA № 036321 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан 1997 йил 30 июнда Мирзааҳмедов Дониёр Бахтиярович номига берилган UZ № 011920 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 22-касб-хунар мактаби томонидан 2001 йилда Хаитова Соҳибабону Раҳматулла қизи номига берилган КНМ № 001494 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Спорт**

**АРТУР РИНГА ЧИКАДИ**

Профессионал бокс бўйича супер энгил вазн тоифасида жаҳон чемпиони, ҳамюртимиз Артур Григоряннинг навбатдаги рақиби маълум бўлди. Эндиликда Артур VBO ва VBA ўйналишларида жаҳон чемпионлигини кўлга киритган бразилиялик чарм кўлқоп устаси Аселино Фрейтасга қарши келгуси йилнинг 3 январда рингга чиқади.

Бундан икки йил муқаддам Хози Хасамайор устидан галаба қозонган Фрейтас ўз ҳисобига VBA чемпионлик камарини ҳам кўйиб қўйганлигини инобатга олганда Григоряннинг бу галги рақиби анча кучли эканлиги ойдинлашади. Яна Фрейтас ҳақида икки оғир маълумот. Унинг жорий йилнинг 9 августда Хорхе Баррис билан ўтказган беллашуви «Йил жанги» унвонида даъвогарлик қилиб турибди. Шунингдек, бразилиялик боксчи шу кунгача профессионал боксда 34 та жанг ўтказиб, шунинг 31 тасини нокаут билан аяқунлаган.

**ЧЕМПИОН БЎЛИШИГА БИР БАҲЯ ҚОЛДИ**

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида уюштирилган самбо бўйича 27-жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Ушбу мусобакаларда тўртта олтин, учта кумуш медаллар соҳиблигига эришган мезбонларга омад кулиб бокди ва улар биринчи ўринни кўлга киритишди.

Ушбу нуфузли мусобакаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган икки нафар самбочимиз ҳам айтиш жоизки, анча муваффақиятли натижани қайд этишди. Энгил вазнлилар баҳсида финалда рус курачиси Снатбий Альвановга қарши гиламга чиққан Шавкат Жўраев имкониятини бўй бериб қўйди ва жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори бўлди. Шунингдек, 74 килограммгача бўлган вазнда ярим финалгача муваффақиятли катнашган Ақром Ишов ҳал қилуви беллашувда украиналик Виктор Савичовга энгилди ва чемпионатнинг бронза медалларини кўлга киритди.

**Ақбар Йўлдошев**

**Футбол**

**ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ**

Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида Осиё чемпионати саралаш баҳсларининг иккинчи давра учрашувлари бошланганлигидан муҳлислар хабардор албатта. Шунинг айтиш жоизки, Тошкентдаги беллашуларда рақибларига қараганда анча кучли ўйин намойиш этиб «А» гуруҳи пешқадамлигига Ўзбекистон терма жамоаси эришган бўлсада, муҳлислар қалбида хавотир ҳам уйғонганди.

Сабаби сўнгги учинчи турда ён қўшнларимиз — Тожикистон терма жамоаси билан нурсиз 0:0 ҳисобида дуранг натижа қайд этилган. Айтиш жоизки, футболчиларимиз шу кунга ярим ҳимояда анча бўш ҳаракат қилишганди. Табиийки, Таиландда ўтадиган иккинчи давра учрашувлари ҳамюртларимиз учун ҳам осон кечмасди. Чунки Тошкентдан очкосиз қайтган таиландлик футболчилар ўз майдонларида фақат галаба учун тўп суришлари аниқ, тожикистонликларга ва ҳатто Гонконг терма жамоасига ҳам очколар сув ва ҳаводек зарур эди. Қизиғи, ҳар бир терма жамоада иккинчи ўринни эгаллаш имконияти сақланиб қолганди. Дарвоқе, Бангкокка терма жамоамиз Шақик, Маминаев, Пашинин,

Нестеров, Гейнрихларсиз жўнаб кетишга мажбур бўлди. Чунки «Динамо» (Киев) ва «Локомотив» (Москва) жамоалари Европа чемпионлари лигаси баҳсларида қатнашишди. Гейнрих ва Нестеров эса ноябр-декабрь ойларида ёшлар ўртасида БААда ўтадиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сафида тўп суришди. Бу футболчилар ўрнига легионерларимиздан Поляков ва Лушчан терма жамоага таклиф этилганлиги ишқибозларга маълум. Хуллас душанба кунги ўзбекистонликлар Бангкокдаги биринчи учрашувларини Тожикистон терма жамоаси футболчиларига қарши ўтказишди. Очиги, кўпчилик, «яна дуранг натижа қайд этилса-я», деган хавотирда эди. Хайриятки, Равшан Хайдаров

шогирдлари аввалги учрашувдан фарқли ўларок рақибларига қарши тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Асосийси, уюшқоқ ва бири-бирини тушунган ҳолда фақат галаба учун интилган ҳамюртларимизга омад кулиб бокди. Шиселов (2 та), Кошелев ва Копадзелар томонидан рақиблар дарвозаси ишғол этилиб, фақатгина Бурхонов томонидан киритилган ягона гол ён қўшнларимизни йирик ҳисобдаги мағлубиятдан қутқариб қолди. Учрашувни 4:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қила олган ўзбекистонликлар 10 очко жамғариб, турнир жадвалида ягона пешқадам бўлиб туришибди.

Гонконг — Таиланд терма жамоалари баҳси мутахассислар муҳлислар баҳорат қилганидек, майдон эгаларининг тўлиқ устунлигида ўтди ва 4:0 ҳисобида Таиланд терма жамоаси галабаси билан аяқунланди.

**БУГҲУН**

саралаш учрашувларининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтади. Унда Равшан Хайдаров шогирдлари гонконгликларга қарши майдонга тушишди.

(Ўз мухбиримиз)

*Асқияларимиз тарихидан*

**КУЛИНГ ДЎСТАЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ!**

Мухтарам кулги муҳлислари. Кейинги йилнинг ёз фаслида мамлакатимиз кулгисеварлари Ўзбекистон халқ артисти, республикамиздаги қизиқчи ва аскиячиларнинг устози, серқирра санъаткор Юсуфжон қизик Шакаржоновнинг 135 йиллигини нишонлайдилар. Ана шу ажойиб сана олдидан отахон қизиқчи ва аскиячи ҳаёти ҳақида ҳамда унинг тўғри-сидаги хангомалардан сизларни хабардор этмоқчимиз.

Бутун умрини кишиларни кулдириш ва санъатнинг барча соҳаларидан баҳраманд этишга баҳшида этган Юсуфжон қизик Шакаржонов (асли Шокиржонов) «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деб ҳар бир маросим, йиғилиш, зиёфату тўй ва концерт заллари сахналарида айтгани айтган эди. Академик шоиримиз Гафур Ғулум ҳам «Юсуфжон қизик ўзбек халқининг азиз фарзандларидан биридир, у ўз кулгилари билан минглаб кишилар умрини узайтиришга сабабчи бўлган» дея бежиз таъкидламаганди.

Ҳаёв, ҳазил, муқаллиду аския санъатини мукаммал эгаллаган серқирра санъаткор қизиқчи Юсуфжон Шакаржонов 1869 йили Марғилон шаҳрида Шокир тандирчи оиласида таваллуд топган. У тўқсон йил умр кўриб, умрининг саксон

йилини эл-юртни кулдириш билан ўтказган. Унинг қизиқчилик кўчасига кириши шундай бошланган: бир кун Марғилоннинг атласфуршлар маҳалласида яшовчи Маматбек мингбошиникида катта тўй бўлади. Унга Худойёрхоннинг Зокиргов бошчилигидаги сарой қизиқчилари ва созанда-ю хофизлардан бир гуруҳи ҳам келади. Тўйда қизиқчилар томошаларини кўрган ёш Юсуфжон нима бўлса ҳам келгусида қизиқчи бўлишга аҳд қилади. Чойхона ва кўча-қўйда ўзичалик қизиқчилар қилиқларини қайтариб, одамларни кулдира бошлайди. Буни сезган онаси Тожинисо уни бу йўлдан қайтариб, ўқимишли мулла бўлишга ундайди. Бироқ, Юсуфжон аҳиддан қайтмай қизиқчилик маҳоратини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилади. Ҳатто у Кўқонга ҳам бориб, Зокиргов тўдаси томошаларида қатнашади. Кўпичина хон саройига устози Саъди Махсум билан бирга келиб, бу ерда Азиз ҳожи, Мулла Ҳошим, Мўмин қишлоқи, Бойбува кўса, Нормат қизик, Башир, Назирлар иштирокида «Қарз қис-таш», «Келин тушиди», «Сурат кўрсатиш» каби кулгили томошаларда фаол қатнашади.

Юсуфжон қизик фақат қизиқчилик билан чегараланиб қолмай, цирк майдо-

нида, кўғирчоқ театри соҳасида, рақсга тушиш ва созандалик, ашула-ю лапарлар айтиш кабиларда ҳам қатнашиб, жуда кўп шогирдлар тайёрлаган. Охунжон қизик, Муҳиддин Қорийқубов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Жўра-хон Султонов, Фанижон Тошматов, Саид Аҳмад аския, Теша қизик, Ака Бухор, Абдулхай Махсум, Миршоҳид Мирқоков, Соиб қизик, Карим Зарипов, Муҳиддин Дарвишев сингари санъатнинг турли соҳаларида юзлаб шогирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор берган. 1941 йили моҳир қизиқчи-санъаткорга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди.

1959 йил ноябрда шундай тенги йўқ қизиқчи, аския устаси бўлган серқирра санъаткор 91 ёшида вафот этди. 1989 йили юртимизда Юсуфжон қизикнинг таваллудига 120 йил тўлганлиги кенг нишонланди. Марғилон ва Наманган шаҳарларида унинг номидаги халқ театрлари ташкил топди. Кўқон шаҳрида эса Юсуфжон қизик номидаги аскиячилар ва қизиқчилар музейи бунёд этилди...

Энди отахон қизиқчимизнинг айрим хангомалари ва қизиқчилик борасидаги хикояларидан баҳраманд бўлинг, кулги шайдолари!

**СУЯГИ БИЗНИКИ**

Юсуфжон беш яшарлигида отаси тандирсоз Шокир Ризо ўғли ўзининг иккинчи фарзандини маҳалладаги домлага етаклаб бориб дебди:

— Тақсир, шу гўдакнинг саводдини чиқариб, одам қилиб берсангиз? Гўшти сизники, суяги бизники!

Ушанда ёш бола Юсуфжон домлага тикилиб туриб, кейин дадасига қараб шундай дебди:

— Дадажон, бу киши кабобпазмилар, нега гўшти сизники дейяпсиз?

**ИЛМЛИ ИЛМСИЗГА...**

— Уттизинчи йиллар эди, маҳалламиздаги саводсиз бир йигитга ўқимишли келин тушиди, — деб ҳикоя қилганди бир суҳбатда Юсуфжон қизик. — замонавий тўй бўлганлигидан бир маҳал келин билан куёвга навбат берилди. Шунда келин:

«Коматингизга мос сарви ҳўш адоDIRман,

Сиз билан бирга яшашга бир умр фидодурман», — деб байт айтса, бечора куёв касал одам-

дек майдан ичиб, ўйлаб қолибди. Атрофдагилар «Куёв тура сиздан ҳам бўлсин!» дейишибди. Шунда пешонаси тиришган йигит:

«Томдаги теринг бўламан, Мен сенинг эринг бўламан!» деб жавоб қайтарганди, ҳамма унинг жавобига: бирданга қаҳқаҳ отиб кулиб юборган.

**АФАНДИ ШУ БЎЛСА КЕРАК**

Дастлаб Юсуфжон қизик Бухоро амирининг қизиқчиси эди. 1909 йили амирини Россия императори меҳмонга чақирганида у ҳам Петроградга бирага бориб, қизиқчилик қилиб, ҳеч кимни кулдира олмабди, татар таржимон томошабинларга у айтган қизиқ гапларнинг кулгисини йўқотиб, таржима қилган экан. Бундан жаҳли чиққан қизиқчи имо-ишора (пантомима) усули билан одамларни кулдириш йўлига ўтибди. У кўлига каптарнинг тухумини олиб, кўзларининг қорачигини икки ёққа қаратиб, фокус кўрсата бошлабди. Шунда уни шарманда қилиш мақсадида петроградлик бир киши учта қизга учта товۇқ тухуми

бериб, мана шуларни ҳам озгинга солиб, кўзларингдан чиқариб кўр-чи, дебди. Қизлардан учта тухумини олган қизиқчи дарров тўнини ёйиб, сахна ўртасига қўйибди-да, тухумларни унга териб, қизлардан бирига, манавининг устига чўнкайиб ўтир, дея кўрсатибди. Кейин ўзи сахна чеккасига бориб, тухум босиб ўтирган ва четда турган қизларга қараб, тиззаларига икки қўлини шаппатилаб уриб, хўроз бўлиб қичқирибди. Буни кўрган томошабинлар гумбирлаб кулган эканлар. Ушанда қизларга тухум берган ҳалиги одам ҳам кулгидан ўзини зўрга тўхатиб, сахнага чиқиб, «Биродарлар, Насриддин, Афанди шу бўлса керак!» деб, қарсақ чалган экан.

**ЙИГИТ ҲАЙРОН**

Юсуфжон қизикни танимайдиган бир йигит тор кўча бошида унинг ўзини учратиб сўрабди:

— Юсуфжон қизикнинг ҳовлиси қайси, билмайсизми? — Хўв анови қизил дарвоза!

Йигит бориб, қизил дарво-

зани тақиллатибди: — Юсуфжон ака! Ҳой, Юсуфжон ака! Сал орқароқда уни кузатиб келаятган қизиқчи овоз берибди:

— Ҳўв, лаббай!

Йигит ҳайрон бўлиб, қайтиб келиб сўрабди:

— Юсуфжон қизик сизми-сиз?

— Ҳа, биз бўламыз.

— Унда ҳали нега сўраганимда, менман, демадингиз?

— Унда мени эмас, ҳовлимни сўрагандингиз, йигитча!

**ТАМАКИНИНГ ТАМАКИНИНГ ХОСИЯТИ**

(Қизиқчининг ён дафтарида)

Тамакининг учта хосияти бор. Биринчи хосияти — уни чекадиган одамнинг уйига ўғри тушмайди, чунки у кечаси билан йўталиб чиқади. Иккинчи хосияти — тамакчи чеккани ит талламайди, сабаби у доим хасаса билан юради. Учинчи хосияти — тамакчи чеккан одам Аэроилни кутиб ўтирмайди, ўпқадан айрилиб, тезроқ у дунёга кетади.

**Материалларни тайёрловчи Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ.**



**Бош муҳаррир Ақмак АҚРОМОВ**

Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

ҳатлар — 133-2970; факс: (3712) 133-21-56

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. 5404 нусхада босилади. Қого бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рубриката олинган.

Напирни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилинишини мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилади ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маتبос ақциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Туран» кўчаси, 41-уй.